

ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аминов Шариф Насимович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси доценти, (PhD)

Аннотация: *Мазкур илмий мақолада терроризм билан боғлиқ жиноятлар профилактикасини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳар томонлама таҳлил қилинган. Унда терроризмнинг замонавий кўринишлари, унинг келиб чиқиш омиллари ва жамият хавфсизлигига таҳдидлари илмий асосда ёритилган. Шунингдек, профилактика чора-тадбирларининг ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий жиҳатлари ўрганилиб, уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатиб ўтилган. Мақолада давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоат институтлари ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *терроризм, жиноятчилик, профилактика, хавфсизлик, экстремизм, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат тартиби, таҳдид, радикаллашув, ижтимоий омиллар.*

Ҳозирги глобаллашув шароитида терроризм инсоният хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётган энг хавfli жиноятлардан бири ҳисобланади. У нафақат алоҳида давлатлар, балки бутун дунё ҳамжамияти барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиб, тинчлик ва хавфсизликни издан чиқариши мумкин. Терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг ортиб бориши мазкур соҳада самарали профилактика тизимини шакллантиришни талаб этмоқда.

Терроризмнинг замонавий шакллари ахборот технологиялари орқали кенг тарқалиши, ёшларни радикал ғояларга жалб этиш усулларининг мураккаблашуви билан ажралиб туради. Бу эса профилактика чораларини фақат ҳуқуқий механизмлар билан чеклаб қўймасдан, балки ижтимоий, маънавий ва тарбиявий ёндашувлар асосида ташкил этиш зарурлигини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда тизимли ёндашув, давлат органлари ўртасидаги мувофиқлаштирилган фаолият ҳамда жамоатчилик иштирокини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, радикаллашув жараёнларининг олдини олиш, аҳоли ўртасида



хуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш профилактиканинг устувор йўналишларидан ҳисобланади

Бутун дунё бўйлаб глобаллашув жараёни жадаллашиб бораётган бир шароитда инсоният тор манфаатларини ифодаладиган диний экстремизм, халқаро терроризм жиноятлари ҳамда уларнинг мудхиш ҳодисалсрига дуч келмоқда. Шу нуқтаи назардан экстремизмнинг мазмуни ва моҳияти тўғрисида фикр юритилса, ўйлаймизки, мақсадга муофиқ бўлади.

Экстремизм мазмунига кўра диний ва дунёвий намоён бўлишига кўра эса, худудий, минтақавий, халқаро шаклларга бўлинади. Экстремистлар қарашлари жуда чуқур илдизларга эга бўлиб, улар ҳеч қачон чегара билмаган ёки дин, миллат ёхуд бирон бир мамлакат худудини тан олмаган. Дунёвий экстремизмнинг сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий кўринишлари мавжуд бўлса, диний экстремизм барча динлар доирасида ривожланган.

Диний экстремизмнинг асосий хусусиятларидан бири бу биринчидан, барча динларда, масалан буддизм, христианлик, исломдаги норасмий оқимларда учраб туради иккинчидан, эса кескин чораларни қўллашни, баъзан зўравонлик ҳаракатларини содир этишга мойиллиги билан ажралиб туради. Бунда муайян шахс ҳам бошқа динга мансуб ижтимоий гуруҳ ҳам ёки шу диннинг ўз вакиллари томонидан рад этилаётган мазҳабга мансуб вакиллари ҳам таъсир кўрсатиш объекти сифатида танлаб олиниши мумкин. Ислом экстремизми исломнинг қадимги ғоялари ва идеалларини қайта тиклашни куч ишлатиш йўли билан амалга оширишга қаратилган диний, сиёсий ҳаракат бўлиб, у диний мутаассиблик, муайян мазҳаб таълимотини кўр-кўрона ёқлаш оқибатида юзага келади. Унга кўра, гўё бутун ислом динига эътиқод қиладиган давлатлардаги мусулмон жамоалари исломий тусларни йўқотган бўлиб, жоҳилия (исломгача бўлган жоҳиллик даври) жамиятга айланган. Бундай ёндашув амалдаги ҳукумат ва у олиб бораётган сиёсатни танқид қилишга асос қилиб олинади. Ҳокимиятга келиш ва “Исломий тартиб” ни қарор топтиришнинг ягона йўли деб кескинлик ва жангарилик йўли билан агрессив ҳаракат қилишни ҳисоблайдилар.

Аслида эса ислом экстремизми ғояларнинг Марказий Осиёга кириб келишидан асосий мақсад-динни қайта тиклаш эмас, балки ундан ниқоб сифатида фойдаланиб минтақада беқарорликни диний ва миллатлараро низоларни вужудга келтириш иқтисодиётни турли йўллар билан издан чиқариш, у орқали ҳукуматни кучсизлантириб обрўйини тўкишдан иборатлиги бугун барчамизга аён. Ислом экстремизми ўзининг шундай ғаразли



ҳаракатларида муқаддас динимизнинг соф ғояларини “қурол” қилиб, ҳокимиятга интилишдан бошқа нарсани кўзламайди.

Ҳозирги даврда айрим исломий гуруҳларда диний-сиёсийлашув содир бўлаётганлиги сабабли ислом динини ҳам ислоҳ қилишга ҳаракатлар бўлмоқда. Бунинг мазмунини тушуниш учун исломда учта асосий диний оқим мавжудлигини билиш лозим. Яъни биринчи оқим тарафдорлари исломнинг сиёсийлашувига қарши бўлиб, диннинг давлатдан ажратилганлигини қўллаб қувватлайдилар, ахлоқ одоб масалалари билан бирга исломда буюрилган амалларни бажариш ҳар бир мусулмоннинг бурчи деб ҳисоблайдилар. Иккинчи оқим тарафдорлари ҳар қандай янгиликка қарши чиқиб ўрта асрларда қарор топган диний тартиб қоидаларни қабул қилиш ва кишиларни шунга кўнишга чорлайдилар. Исломни ислоҳ қилишни мақсад қилган учунчи оқим эса “Ислом фундаментализими” тарафдорлари бугунги замонавий турмуш тарзи мавжуд шарт-шароитларга кескин қаршилиқ кўрсатиб бутун мусулмонлар жамоаларини исломнинг илк давридаги шариат қонунларига қайтаришга уриниб келадилар. Бунинг учун ҳамма шариат-қоидаларига сўзсиз амал қилиши лозим, замонавий тараққиёт, миллий урф-одат ва анъаналар кескин инкор қилинади.

Диний экстремизм ва терроризм ўзининг нопок ва ғаразли мақсадлари билан жамият барқарорлигига таҳдид солаётган экан, унга қарши курашда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

Биринчидан, диний экстремизм, халқаро терроризмга қарши барча давлатларнинг кучларини бирлаштирган ҳолда яқдил курашиш, уни илдизидан қирқиб ташлаш;

Иккинчидан, фуқаролар, хусусан, ёшларимиз орасида дунёда пайдо бўлаётган замонавий таҳдидларни, диний ақидапарастликнинг жирканч оқибатларини экстремистик гуруҳларнинг (вахҳобийлик, акромийлар, ҳизб ут таҳрир ал исломий, Ўзбекистон ислом ҳаракати, ИШИД сингари) асл ғоя ва мақсадларини батафсил тушунтириш ва унга қарши кучли мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш;

Учинчидан, тегишли соҳавий хизмат ходимларнинг кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ҳуқуқий тарғибот ишларини янада кучайтириш, ёшлар бандлигини таъминлаш орқали уларнинг бўш вақтини мақсадли ташкил эътиш, сиёсий, маънавий дунёқарашларини ўстириш, юксак ватанпарварлик ва она юртга садоқат руҳида тарбиялаш муҳимдир.



Зеро, биз фарзандларимизни буюк аждодларимизга муносиб авлодлар қилиб тарбияласак, мукамал таълим-тарбия берсак, маънан ва жисмонан баркамол вояга етказсак, ҳеч қандай ёвуз куч уларни тўғри йўлдан адаштиролмайди.

Мафкуравий нуқтаи назардан экстремизм ҳар қандай бошқача фикрларни инкор этади, ўзининг диний ва мафкуравий қарашларини қўпол равишда мажбурлаб қабул эттиришга ҳаракат қилади. Ўз муҳолифларини турли воситалар билан мажбурлайди. Экстремистлар ўз тарафдорларидан уларнинг ҳар бир буйруқларини сўзсиз бажаришларини уларга кўр-кўрона ишонишни талаб қилади, ўз қарашларини ҳимоя қиладилар ақлга эмас, ҳис-туйғуларга суянадиган омманинг, тўданинг инстинктига суянадилар.

Маълумки, Ўзбекистон давлати мустақилликнинг илк кунлариданоқ ўзининг динга муносабатини аниқ ва қатъий белгилаб олди. Давлатнинг динга муносабати “инсон эътиқодсиз яшай олмайди”, “дунёвийлик даҳрийлик эмас” деган аниқ тамойиллар асосида белгиланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 16 та диний конфессияга мансуб 2238 диний ташкилот фаолият олиб бормоқда. Улардан 2064 таси исломий, 157 таси христиан, 8 таси яҳудий, 6 таси Баҳойий жамоалари ва Будда ибодатхонасидир. Булардан ташқари конфессиялараро Библия жамияти ҳам фаолият юритмоқда.

Диний ташкилотлар қайси конфессияга тааллуқлигидан қатъи назар, фаолият борасида бир хил ҳуқуқга эгадирлар. Ушбу диний ташкилотларнинг эмин-эркин фаолият олиб бораётгани ҳам юртимизда ҳукм сураётган диний бағрикенгликни амалий ифодасидир.

Айниқса, Республикамизда мавжуд динлар орасида Ислоннинг мавқеи ниҳоятда катта. Хусусан, ҳозирги кунда ўзбекистон аҳолисининг сони тахминан 38 миллиондан ошган бўлиб, улар 130 дан зиёд миллатга мансуб ҳисобланади. Фуқороларимизни 94 фоиздан зиёди ислом динига эътиқод қилади. Шу боис ислом дини давлатимиз туб халқларнинг тарихига, ўтмиш меросига, маданиятига, руҳиятига, чуқур сингиб кетган.

Бугунги кунда динга бўлган қизиқишнинг кучайиб бориши глобаллашув жараёнларининг ўзига хос иникоси дейиш мумкин. Зеро, глобаллашув дунёни бир бутун ва яхлит қила бориши билан бир қаторда, унинг хосиласи сифатида алоҳида олинган миллат ва жамиятлар даражасида ўзини ўзи англашга бўлган интилишнинг чуқурлашувига ҳам замин яратмоқда.



Сўнги йилларда мутаассиб оқимлар ёшлар ичидаги фаолиятини хорижий мамлакатлардаги меҳнат мигрантларини таъсир доирасига олиш, "интернет" орқали тарғибот ўтказиш, оила аъзоларини, яқинлари ва қўшниларини ўз гуруҳларига тортиш яширин "хужралар" ташкил этиш, диний экстремистик мазмундаги материалларни босма, электрон кўринишда тарқатиш каби усулларда амлга ошироқда.

Мутахассисларнинг фикрича ҳозирда 100 мингдан зиёд экстремизмнинг кўринишларини ўзида ташувчи ғоялар тарғиботи билан шуғулланувчи сайтлар фаолият олиб бормоқда. Интернет орқали суҳбат олиб бориш жараёнида ёшларга куфр диёри, хижрат, жиҳод шаҳидлик халифаликни тиклаш каби ғоялар сингдирилиб улар турли тўқнашув ва низолар ўчоғига жалб қилинмоқда.

Муайян сиёсий кучларнинг ноғорасига ўйнаётган диний экстремистик ва террорчи оқимлар томонидан у ерларда амалиётни ўтаб келган ақидапараст, дийдаси қотган мустақил фикрламайдиган мажруҳ раҳнамоларининг ҳар қандай буйруқларини қонун деб билувчи зомби жангариларидан минтақаларда ҳам турли низолар ва беқарорликни келтириб чиқаришда фойдаланиш мақсади бугун кўпчиликка аён ҳақиқатдир.

XXI асрнинг муҳим хусусиятларидан бири инсонларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун курашнинг кучайишидир. Қонли урушлар, ҳарбий юришлар, иқтисодий исканжага олишлар ўрнига энди тобора кўпроқ мафкуравий воситалар ва маънавий қуроллар ишлатилмоқда, одамларнинг тафаккури, онги дунёқарашини эгаллашга уриниш кучайиб бормоқда. Бошқа ҳудуд ва халқларни ўзига қарам қилиш учун очикдан очик кўриш ва сезиш қийин бўлган воситалар, хусусан маънавий бузғунчилик услублари қўлланилмоқда.

Инсониятнинг тарихида диний онгнинг ажралмас қисми сифатида, яъни эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто фанатизм сифатида фойдаланилганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп.

Дунёнинг турли бурчакларида террорчилик ҳаракатларини уюштираётган диний мутаассиблар кимлигини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳар қандай диний манбаларни нотўғри талқин қилиш мумкин.

Жамиятда ўз ҳукмронлигини ўрнатишдир. Диний экстремизм, ақидапарастлик мутаассиблик бир бирига қўшилиб кетган тушунчалардир.

Диний экстремизм ва мутаассиблик диний фундаментализмнинг негизида вужудга келади. Диний фундаментализм муайян диний эътиқод, тарихий давр ёки биргина минтақага хос ижтимоий ҳодиса эмас, мазкур воқеалик ҳар қандай



динга хос хусусият бўлиб, турли тарихий даврларда диннинг ажралмас йўлдоши бўлиб келган.

Сохта салафийларнинг тарих саҳнасида янги куч билан пайдо бўлиши суриялик Ибн Таймия фаолияти билан боғлиқ. У салафийлик ғоялари учун зарур бўлган ақидавий, ҳуқуқий ва фалсафий асосларни яратиб ушбу ҳаракатларнинг назарий асосларини яратиб берган эди.

Бу назарияларга таянган ҳолда XX асрнинг иккинчи ярмида ўз олдига халифаликка асосланган ислом давлатини барпо этиш вазифасини қўйган “ислоҳатчилик”, “пан исломизм “ ниқоби остида сохта салафийлик янгидан жонланди. Бу ўз навбатида сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш зарурлигини байроқ қилиб кўтарган ўта радикал диний сиёсий ташкилот ва оқимларнинг вужудга келишига йўл очиб берди. Сохта салафийлар:

- Қурон оятлари ва ҳадисларни сўзма-сўз, кўр-кўрона амал қилиши оқибатида бошқа манбаларни чиқарадилар;
- “Жиходни” исломнинг олтинчи аркони деб солих ҳисоблайдилар;
- ўз фикр ва ғояларга муҳолифларни такфир (куфрда айблаш) айблаб мусулмонларни “ҳижрат” (ватанни тарк этиш) қилишга даъват этди;
- фикҳий мазҳабларни инкор қилиб мазҳабсизликни тарғиб қиладилар;
- тасаввуф урф-одат ва миллий қадриятларни шариятга хилоф деб ҳисоблайдилар;
- ғайридинларга ўта тоқатсиз муносабатга бўлиб, диний бағрикенгликни ёқламайдилар;
- ҳар қандай янгиликни “бидат” деб ҳисоблаб, уни рад этадилар;

Сохта салафийлар, гарчи, ҳар қандай янгиликни бидатга чиқарсаларда, ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида техника тараққиёти ётуқларидан фаол фойдаланишга интилоқдалар. Жумладан, улар интернетни ўзларининг ёвузлик қуролига айлантириб, глобал тармоқда виртуал жамоат ташкил этиб, ўз ғояларига маслакдош умматни шакллантириш ва уларни ҳижрат қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Будан кўзланган асосий мақсад эса, ўз сафларини янгидан янги жангарилар билан тўлдиришдан иборат.

Ҳозирда жаҳон интернет тармоғида сохта салафийларнинг бир неча мингдан зиёд веб сайтлари мавжуд. Уларга асосан диний асосдаги низоларни келтириб чиқарадиган маълумотлар, диний экстремистик ва террорчи ташкилотлар раҳбарларининг турли баёнотлари мурожаатлари жойлаштирилмоқда



Терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикасини самарали ташкил этиш жамият хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, мазкур соҳада фақат ҳуқуқий чора-тадбирлар билан чекланиб қолиш етарли эмас, балки ижтимоий, маънавий ва ахборот соҳаларидаги комплекс ёндашувни қўллаш зарур.

Айниқса, радикаллашув жараёнларининг олдини олиш, ёшларни турли деструктив ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ва медиасаводхонликни ошириш профилактика самарадорлигини белгиладиган муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу билан бирга, давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтириш мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мониторинг ва таҳлил механизмларини такомиллаштириш, профилактика ишларини манзилли ташкил этиш ҳам долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда халқаро тажрибани ўрганиш ва уни миллий амалиётга мослаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, терроризм профилактикасини самарали ташкил этиш фақатгина ҳуқуқий тартибга солиш эмас, балки жамиятнинг барча институтлари иштирокида амалга ошириладиган комплекс ва узвий жараён бўлиб, уни изчил такомиллаштириб бориш орқали барқарор хавфсизлик муҳитини таъминлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasi. 2025 yil 26 dekabr. <https://president.uz/uz/lists/view/8834>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони // <http://www.lex.uz>.

3. Аминов Ш. Н. Жиноятларни «иссиқ изидан» фош этишда тезкор-техник воситаларни қўллаш фаолиятини такомиллаштириш // O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2026. – Т. 5. – №. 49. – С. 10-18.



4. Аминов Ш. Н., Асрақулов М. М., Мирсалихова Г. А. Киберфирибгарликни фoш этишда тезкор хизмат ходимлари томонидан амалга ошириладиган ҳамкорликнинг айрим жиҳатлари //FARS International Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2026. – Т. 14. – №. 2. – С. 149-159.

5. Аминов Ш. Н., Мирсалихова Г. А. Ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашишнинг илғор тажрибаси //World of science. – 2025. – Т. 8. – №. 3. – С. 129-137.

6. Аминов Ш. Н. Понятие и особенности преступлений кибертерроризма //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 29. – С. 21-27.

7. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигига эришишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //Универсальная индексная библиотека Евразийского журнала права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 12 Special Issue. – С. 35-40.

8. Таштемиров А. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятларининг тавсифи ва ўзига хос хусусиятлари //Универсальная индексная библиотека Евразийского журнала технологий и инноваций. – 2024. – Т. 2. – №. Special Issue 6. – С. 25-32.

9. Aliqolovich T. A. et al. “Al-Xorazmiy” mahallasi misolida profilaktika inspektorining huquqbuzarliklar profilaktikasida “mahalla yettiligi” bilan hamkorligining strategik modellari va huquqiy asoslari //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2026. – Т. 5. – №. 40. – С. 14-21.


10. Aliqolovich T. A. et al. Haqorat bilan bog'liq jinoyatlarni o'z vaqtida aniqlash va oldini olishda media makonni monitoring qilishning ahamiyati //Journal of innovations in scientific and educational research. – 2026. – Т. 9. – №. 3. – С. 48-54.

11. Таштемиров А. А., Комилов А. М. О ' . Одам савдоси жиноятига қарши курашишни такомиллаштиришга оид айрим мулоҳазалар //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 1. – №. 7. – С. 135-138.

12. Asilbek O'tkir o'g N. et al. Ma'muriy nazorat o'rnatilgan shaxslarga sud organlari tomonidan belgilangan cheklovlarga rioya etilishini nazorat qilish faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari //Ijodkor o'qituvchi. – 2025. – Т. 5. – №. 54. – С. 11-17.

13. Мирзахмедов А. М., Аминов Ш. Н., Холматов Ф. М. Таълим сифати-ижтимоий тараққиёт омили //Academic research in educational sciences. – 2023. – Т. 5. – №. NUU Conference 2. – С. 424-432.





14. Холматов Ғ. М., Аминов Ш. Н. Фарғона водийсида жадидлик: миллий маданият муаммолари //Academic research in educational sciences. – 2023. – Т. 5. – №. NUU Conference 2. – С. 848-856.

